
“Кибермаданиятни юксалтириш ойлиги” доирасида маҳаллаларда учрашувлар ўтказилмоқда

Фарғона вилояти ҳокимининг 2024 йил 11 июнь кундаги “Вилоятда кибермаданиятни юксалтириш ойлиги комплекс тарғибот тадбирларини ўтказиш тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган режага асосан Данғаратумани ИИБ бошлиғи подполковник Ё.И.Абдурасулов томонида Данғара туманида жойлашган Қизилмушт маҳалла фуқаролар йиғинида учрашувлар ўтказилди.

Унда иштирокчиларга кибержиноятларнинг аксарияти бевосита жабрланган шахснинг хатоси билан, яъни, ўзининг шахсига доир ва банк картаси маълумотларини бегона шахсларга тақдим этиши оқибатида содир этилаётгани, шу сабабли аҳолида кибергигиенани шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланиб, кибержиноятларга қарши курашишни тарғиб қилувчи флаер ва қўлланмалар тарқатилди.





2024-07-04 16:05:39